

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил махсус сон



142	К вопросу о роли духовности в формировании патриотизма у молодежи Джуманазарова З.	673
143	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini jismoniy tarbiya darolarida harakatli o'yinlardan foydalanish samaradorligi Ismoilov T., Sultanov B., Artikova N.	677
144	Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизмлари Асранбаева М.Х.	681
145	Ўқувчиларда ўзбек менталитетига хос маънавий-ахлоқий хусусиятларни шакллантиришда бадиий асарларнинг аҳамияти Усмонова М.Б.	688
146	Bo'lajak o'qituvchilarda media kompetentlikni rivojlantirishning pedagogik asoslari Qambarov M.M.	693
147	Эффективность применения творческих заданий в развитии речевой деятельности Мирзахалова Г.У.	698
148	Ўсмирлик ёшидаги болаларнинг морфофункционал хусусиятлари Иминжанов Р.А., Холматов Н.У.	702
149	Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига қўйиладиган замонавий ижтимоий- педагогик талабалар Мамажонов Р.А.	707
150	Педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнида тингловчиларда касбий компетентликни оширишнинг педагогик шарт-шароитлари Неъматова С.И.	713
151	"Inklyuziv ta'lim muhitida pedagogik faoliyatni tashkil etishning hozirgi kun muammolari" Xusanov A.A.	720
152	Тиббий педагогикада модел ва векторли моделлаштириш Кадирова М.Р.	724
153	1-синф ўқувчиларида мантиқий масалалар ёрдамида математик тафаккурни шакллантириш Каримова К.Р.	733
154	Мактабгача таълим ёшидаги боланинг тарбиялашда оила, маҳалла ва нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамкорлиги. Абдуллаева М.А., Абдуллаева Н.С.	740
155	Бошлангич синф ўқувчиларида креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш технологиялари Тураева Н.З.	744
156	Олий таълимда Э.Воҳидов ижодининг мултимедияли таъминотини яратишда ахборот дастурий воситалардан фойдаланиш Ҳўжамбердиева Ш.К.	748
157	Публицистика писателей как источник обогащения педагогического процесса Абдулвоҳидов Э.	753



6. Салимов Ғ. М. Миллий ҳаракатли ўйинлар асосида 7-10 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш самарадорлиги. Дисс.... пед. фан. ном. – Тошкент: 2007. - 146 б

НОТЎЛИҚ ОИЛАЛАРДА БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Муножатхон Асранбаева Халимжановна

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

Наманган давлат университети

Аннотация: Мақолада нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизми шакллантирилган бўлиб, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган механизм бир нечта турдаги билимларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш, уларнинг яхлит шакл ёки тизимга келтириш, ўрганилаётган маълумотларни қадрият-моҳиятли мазмун билан бойитиш ҳамда бу орқали нотўлиқ оилalarda болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга имконият яратди.

Калит сўзлар: нотўлиқ оила, герантопедагогика, компетенциявий ёндашув, ижтимоий ҳаёт, техноген омиллар, фаолият, метод, герменевтик, психотерапевтик, адаптив.

Аннотация: В статье сформулирован педагогический механизм подготовки детей из неполных семей к социальной жизни, разработанный в процессе исследования, который позволит обеспечить взаимосвязь нескольких видов знаний, привести их в целостную форму или систему, обогатить изучаемые данные ценностно-значимым содержанием и тем самым подготовить детей в неполных семьях к социальной жизни.

Ключевые слова: неполная семья, герантопедагогика, компетентный подход, социальная жизнь, техногенный фактор, деятельность, метод, герменевтика, психотерапия, адаптив.

Мамлакатимизда етим ва нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, миллий ва жаҳон тажрибаси асосида инновацион тарбия технологияларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, дастурий босқичма-босқич ижтимоий етимликни олдини олишнинг профилактик тизимини ишлаб чиқиш, нотўлиқ оилада тарбияланаётган болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида “Етим ва нотўлиқ, кам таъминланган оилалар болаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий фаолигини ошириш, турмуш шароитларини яхшилаш”⁶⁸ каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса, нотўлиқ оила болаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиш долзарб масала эканлигини кўрсатади.

Оила – ўзининг ижтимоий-маданий ривожланиш жараёнида ўз шажарасининг миллий қадриятларини сақловчи, ижодий ўзлаштирувчи, замонавийлаштирувчи ва бойитувчидир. Ана шундай инсоний бурчларнинг ҳар бир оила томонидан мукамал

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.



бажарилиши унинг миллий маънавиятимизни ўзида мужассамлаштирувчи ижтимоий институт сифатидаги аҳамиятини белгилайди.

Миллатимиз оилани «тарбия ўчоғи» дея эътибор этиб, оилада фарзандларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини тарбиялаш, унинг миллий тарбия самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили эканлигига эътибор қаратди. Хусусан, «Миллий туйғу инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналардан мерос қилиб олинган ва бола ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўздан ифодаланади. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқининг миллатининг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонқуярини тарбиялаш мумкин эмас». Мазкур юзлар, шунингдек, маънавий - маърифий ислохатларни ўзида акс эттирувчи бошқа манбаларда ҳам ўз аксини топан.

Жумладан, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида «Оила - мафкуравий тарбиянинг энг муҳим ижтимоий омилларида биридир. Чунки-оила жамият негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эга. Миллий мафкурамизга хос бўлган илк тушунчалар, аввало, оила муҳитида сингади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Оиладаги соғлом муҳит соғлом мафкурани шакллантиришнинг энг муҳим манбаидир. Жамият ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлигини, ўзаро ҳурмат ва аҳилликни таъминлаш - миллий мафкурада кўзда тутилган мақсадларни амалга оширишда таянч бўлади».

Сунги йилларда инсонни ижтимоийлаштириш (бу ерда шахс эмас, айнан инсон назарда тутилмоқда, бинобарин, шахс ижтимоий муносабатлар жараёнида шаклланади, яъни ижтимоийлашган инсонгина шахс сифатида намоён бўлади) ва бу йўлда салбий ижтимоий таъсирларни бартараф этиш масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инсонни ижтимоийлаштириш узоқ муддатли, узлуксиз давом этувчи, кўп қиррали ва мураккаб жараён бўлиб, унинг бутун ҳаётини қамраб олади ва бу жараёнда унда муайян билимлар, ижтимоий ахлоқ мезонларига риоя қилиш кўникмалари, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат муносабати шакллантирилади. М.А.Галагузова, Л.В.Коломийченко, М.А.Ковальчук ⁶⁹ ларнинг қайд этишларича, инсоннинг ижтимоийлашуви гарчи унинг бутун ҳаёти давомида рўй берса-да, бироқ бу жараёнда энг қулай давр болалик ва ёшлик йиллари ҳисобланади. Зеро, айнан мана шу даврларда инсон ижтимоий меъёрларни ўзлаштиради, уларга амал қилиш кўникмаларига эга бўлади, ижтимоий муносабатларга кириш ва уларни муваффақиятли ташкил этиш тажрибасини ўзлаштиради.

Мазкур педагогик шарт-шароитларни аниқлаштириш учун нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг қуйидаги педагогик механизми таклиф этилди.

Мақсади ва натижаси: нотўлиқ оила болаларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш ва ижтимоий ҳаётга ижобий муносабатни шакллантириш
--

⁶⁹ Галагузова М.А., Галагузова Ю.Н., Штинова Г.Н., Тищенко Е.Я., Дьяконов Б.П. Социальная педагогика: курс лекций. – М., Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2001. – 416 с.



Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг тамойиллари		
тарбиянинг инсонпарварлиги; тарбиянинг маданиятга мувофиқлиги тамойили; тарбиянинг вариативлиги тамойили;	ижтимоий тарбиянинг жамоавийлиги тамойили; ижтимоий тарбиянинг биргаликдаги фаолият тамойили; тарбиянинг давомийлиги тамойили.	
Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари		
<ul style="list-style-type: none"> - нотўлиқ оила билан алоқа ўрнатиш; - нотўлиқ оилада тарбияланаётган бола билан ўзаро муносабатларни ўрнатиш; - оиланинг яшаш тарзи, интилишлари, кизиқишлари ва келажақдаги режаларини ўрганиш; - оила, маҳалла ва таълим муассасалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш 		
Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш мазмуни		
Ижтимоий-маиший йўналиш	Маданий-эстетик йўналиш	Спорт-соғломлаштириш йўналиши
Тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш технологияси		
<p>Қўлланish соҳасига кўра: глобал; минтакавий технологиялар.</p> <p>Объектларга кўра: гуруҳли, индивидуал технологиялар.</p> <p>Хал қилинадиган вазифалар характерига кўра: ташкилий; инновацион; ижтимоий моделлаштириш технологиялари.</p>	<p>Методларни ўзлаштириш соҳасига кўра: ижтимоий-психологик ижтимоий-педагогик; ижтимоий-педагогик қўллаб-қувватлаш; ижтимоий вазиятларни ижтимоий-педагогик коррекция қилиш технологиялари.</p> <p>Ижтимоий иш йўналишлари бўйича: болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш; болаларнинг ижтимоий-педагогик реабилитацияси; ижтимоий адаптация; ижтимоий маслаҳат бериш.</p>	
Баҳоловчи-нативавий блок		
Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёнини мониторинги (кузатиш, анкета, ҳисобга олиш жадвалини ишлаб чиқиш), ижтимоий ҳуққ-автор меъёрларининг ўзлаштирилишини ташхис этиш		
Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш компонентлари ва кўрсаткичлари		
Компонентлари	Кўрсаткичлари	
Ижтимоий муносабатларга киришиш қўникма ва малакаларини таркиб топтиришга йўналтирилган когнитив компонент.	-билимларнинг кенгайиши, чуқурлашуви, маънавий-ахлоқий қўникма ва малакаларнинг ривожланиши; -фаолиятда ўзини кўрсатишга интилишни рағбатлантириш;	
Муваффақиятга интилиш, ўз-ўзига ишонч, вазиятни таҳлил этиш ва мақбул қарорлар қабул қилишга йўналтирилган фаолиятга доир компонент.	-муваффақиятга эришишга интилиш мотивининг шахс устувор хусусияти сифатида мустаҳкамланиши; -касблар тўғрисида тасаввурларни кенгайтириш, касбга ва меҳнатга кизиктириш; -ўзини-ўзи баҳолашга ўргатиш;	



Турухий фаолиятда иширок этиш, коммуникатив кўникмаларни шакллантиришга, эмоционал-кадриятларга йўналтирилган компонент.	-катталар ва тенгдошлари билан ҳамкорлик қилишга ижтимоий мотивларнинг пайдо бўлиши; -ижтимоийлашув жараёнида талаб этиладиган ёшига мос шахсий фазилатларни шакллантириш; -тенгдошлари билан маънавий-ахлоқий муносабатлар тажрибасини бойитиш.
--	--

1-жадвал Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизмлари

Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизмлари бўйича олинган натижалар асосида қуйидагиларга эришилди.

нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёнининг тузимасини аниқлаштириш, яқин катталарнинг тарбиявий таъсирини мақбуллаштириш, тарбия жараёнига шахста йўналтирилган, герменевтик ва психотерапевтик ёндашувларни адаптив қўлаш билан ўзаро уйғунлигини таъминлаш, умумтаълим мактаби ва маҳалла ҳамкорлиги асосида нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик-профилактик хусусиятларини аниқлаштирилди. Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг геронтопедагогик моделининг амалий компонентини такомиллаштириш, авлодлараро ҳамкорлик, маънавий-ахлоқий хусусиятлар трансформацияси, миллий тарбия методларининг қундалик турмуш тарзига таъсири барқарорлигини таъминлашга эришилди.

Компетенциявий ёндашув асосида нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда синф раҳбари, мактаб психологи, ижтимоий иш ходимининг “Маънавият ва маърифат” маркази ҳудудий бўлимлари мутахассислари билан ҳамкорлигини тизимли ташкил этишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган механизм бир нечта турдаги билимларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш, уларнинг яхлит шакл ёки тизимга келтириш, ўрганилаётган маълумотларни кадрият-моҳиятли мазмун билан бойитиш ҳамда бу орқали нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашга имконият яратади.

Геронтопедагогикнинг тарбиявий ресурсларини ривожлантириш орқали, кексаларнинг ўз ҳаётий тажрибасини амалиётга тадбиқ этиши, жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини ошириш масалаларига эътибор қаратилади. Бу борада кексалар билан ёшлар, ота-оналар билан фарзандлар, авлодлар ўртасидаги муносабатларни миллий кадриятларимиз руҳида ривожлантиришда ўзаро меҳр-оқибат, юксак даражадаги маданият, инсонийлик тамойилларининг аҳамияти илмий асосланди.

Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда геронтопедагогикнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Унда нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда геронтопедагогика намунаси, тажрибасидан, халқ педагогикасидан самарали фойдаланиш йўллари, унинг мезонлари, технологиялари, педагогик имкониятлари таҳлил қилинди.

Маълумки, оила хулқ-қодоб кадриятларини шакллантиришдаги асосий мезон бўлиб, оила, мактаб, маҳалла ва жамоатчилик ташкилотлари фаолиятларининг узвийликда олиб борилиши мақсадга мувофиқ.



Болаларни миллий кадриятлар асосида тарбиялаш ҳам миллий, ҳам замонавий талабларга мос анъана ва тажрибалар воситасида амалга ошириладиган педагогик жараён дур. Оиладаги педагогик жараён миллий кадриятлар асосида тарбиялашнинг асосларидан ўринли фойдаланиш, ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясида геронтопедагогик (кексалар педагогикаси), катта авлоднинг турмуш тарзи ва ўзига хос хусусиятларига таянишлари ўсиб келадиган авлодда инсонпарварлик, миллий ўликни англаш, миллий кадриятларга содиқлик ҳиссини тарбиялашда муҳим омил ҳисобланади.


Бундай долзарб муаммоларни ечиш, аввало миллий мустақиллик шароитида таълим тизими мазмунини янгилаш ва янги ижтимоий муҳит шароитида уни янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатмоқда. Уни ривожлантириш эса икки тамойилга таянади. Биринчиси, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ўтмишни теран ҳис этиб, халқимизнинг руҳиятини, унинг тарихий ва миллий ўзига хос жиҳатларини, анъана ва урф-одатларини ҳисобга олиб, тарихий тараққиёт давомида тўплаган маънавий мерос ва миллий кадриятлардан фойдаланиш бўлса, иккинчи томондан тафаккури ва ижтимоий амалиётида тўплаган бой тажрибасидан самарали фойдаланишдур. Бу тамойиллар жамиятимизнинг янги ривожланиши учун ижтимоий-маънавий асос бўлиши табиий.

Шахс ижтимоий муҳитда ва унинг таъсирида шаклланади. Мазмуни ва моҳиятига кўра ижтимоий муҳит шахснинг шаклланишига ижобий ҳамда салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Кўрсатиладиган таъсирнинг ижобий ва салбий бўлиши субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро ҳамжиҳатлик, ёрдам, шунингдек, психологик яқинлик ҳамда ҳаётий мақсадлар ва эътиқодлар бирлиги ёки аксинча, бир-бирини тушунмаслик, бир-бирини қабул қила олмаслик, бир-бирини инкор этиш, бир-бирига тоқат қилмаслик (толерантлик ҳиссига эга эмаслик), шахсий қарашларнинг бир-бирига зидлиги, ҳаётий мақсад ва эътиқодлар ўртасидаги зиддиятларга боғлиқдур.

Билдирилган фикрларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, инсоннинг ижтимоийлашуви у томонидан маълум илмий билимлар ва ижтимоий ахлоқ мезонларининг ўзлаштирилиши, уларга амал қилиш кўникмалари ҳамда муайян ижтимоий тажрибага эга бўлиш, яъни инсонни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган ижтимоий педагогик фаолиятда эришилган натижа саналади.

Инсонни ижтимоийлаштириш жараёнида салбий мазмундаги психологик, тиббий, ҳуқуқий ҳамда моддий хусусият касб этувчи ташқи ва ички таъсирларга қарши иммунитетни шакллантириш, болаларни уларга нисбатан бардошли қилиб тарбиялаш мақсадга мувофиқдур.⁷⁰ Бугунги кунда жаҳон миқёсида олиб қараганда инсоннинг жисмоний ва руҳий камолоти, шу жумладан, ижтимоийлашувида қуйидаги омилларнинг сезиларли даражада салбий таъсири кузатишмоқда .

⁷⁰ Асқарова Ў.М. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тизими. Монография. -Т.: "Фан" нашриёти 2010.-121 б.



2-расм. Инсоннинг ижтимоийлашувига таъсир кўрсатувчи салбий омиллар

Инсоннинг салбий таъсирларга бардошли бўлиши ва уларга қарши иммунитетта эгаллигини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, уни ижтимоийлаштиришда ўйин, меҳнат ва таълим фаолиятдан самарали фойдаланиш, шунингдек, биологик омиллар (ирсият), ижтимоий омиллар (микро (лотинча “mikros” “кичик”), мезо (лотинча “mesos” “ўрта”) ва макро (лотинча “makros” “катта”) омилларни инобатта олиш муҳим аҳамиятга эга [46].

Инсонни ижтимоийлаштиришда муҳит алоқиди ўрин тутиб, унда ижтимоий соғлом муносабатларнинг ташкил этилишига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бунда ижтимоий институтлар – оила, таълим муассасалари ва жамоатчилик (махалла, инсон мансуб бўлган гуруҳлар) муносабатларида ўзаро ҳамжиҳатлик, педагогик-психологик ҳамкорлик ва ёрдамнинг устувор бўлишига эришиш инсонни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган педагогик фаолият муваффақиятини кафолатлайди.

Барча даврларда жамиятда ота-онасиз қолган ёки улар билан алоқани йўқотган ёшлар (болалар, ўсмирлар, ўспиринлар) мавжуд бўлган. Уларга нисбатан ижтимоий эътибор турли жамият, давлатларда турлича бўлган. Ислон дини таълимотида эса бу каби шахсларга нисбатан инсонпарварлик ғояларига таянган ҳолда муносабатда бўлиш энг олий сифат тарзида баҳоланади. Ўзбек халқи тарихида ҳам ушбу ғояларга оғишмай амал қилиб келинган. Бу, ҳолат айниқса, уруш ҳаракатлари олиб борилаётган вазиятларда яққол намоён бўлган. Иккинчи Жаҳон уруши йилларида ота-онасиз қолган ёки улар билан алоқани йўқотган миңглаб болаларнинг ўзбек оилаларига қабул қилиниши, ўта оғир шароитда уларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва турар-жойлар билан таъминлаш борасида кўрсатилган ғамхўрлик юксак инсонпарварликнинг ёрқин намунаси дир. Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш, кескин рақобатларга бардош бера оладиган даражада руҳан камол топишлари учун зарур оилавий шароитларни яратиш ва мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Зеро, шундагина уларнинг



мустақил ҳаётда ижтимоий муносабатларнинг фаол субъектлари бўлишлари таъминланади ҳамда ҳаётларининг мазмунли кечишига эришилади.

Демак, инсонни ижтимоийлаштириш мураккаб, кўпқиррали ва узок давом этувчи жараён бўлиб, бу жараёнда у илмий билимлар, ахлоқ мезонлари ва ижтимоий тажрибани ўзлаштиради, уларга амал қилиш қўникмаларига эга бўлади. Инсонни ижтимоийлаштириш жараёнига биологик ва ижтимоий омилларнинг кучли таъсирини инобатга олиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”.- Т.: Ўзбекистон, 2017. (1-жилд)
2. Асқарова Ў.М. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тизими.\ Монография.-Т.: “Фан” нашриёти 2010.-121 б.
3. Галагузова М.А., Галагузова Ю.Н., Штинова Г.Н., Тищенко Е.Я., Дьяконов Б.П. Социальная педагогика: курс лекций. – М, Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2001. – 416 с.
4. Иномова М. Оиода болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 1999. – 152 б
5. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси.– Т.: Ўқитувчи, 1994.–345 б
6. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Т.: Маънавият, 2009. – 246 б.
7. Собирова Д.Г., Умарбекова Ю.А., Рахимова Р.И. Васийлик ва ҳомийлик органи фаолиятида ога-она қармоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари квасидан ишларни юритиш – Т.: “ТУРОН-ИҚБОЛ” 2015